

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2023 йил июль ойининг 24 куни, жиноят ишлари бўйича Пскент туман суди очик сайёр суд мажлисида бўлиб, Пскент туман, Митан м.ф.й. биносида, судья: М.Базаровнинг раислигида, суд мажлиси баённомасини юритувчи судья ёрдамчиси Ф.Бахадиров, Пскент туман прокурорининг ёрдамчиси Х.Пўлатхўжаевнинг иштирокида, Бга нисбатан 1-1113-2301/136-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Б, 01.01.1961 йилда Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, оилали, нафақада, муқаддам судланмаган, Тошкент вилоятида яшайди, иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2023 йил 3 июль куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### АНИҚЛАДИ:

Б, ўз хонадони томорқасида ўзининг истеъмоли учун гиёҳвандлик воситаси ҳисобланган Каннабис ўсимлигини етиштириб келган.

2023 йил 7 июнь куни, Пскент тумани ҳудудида ўтказилаётган кенг қамровли “Тозалаш”, “Қорадори-2023” ва “Хавфсиз ҳудуд” махсус профилактик тезкор-тадбирлари давомида Бнинг Пскент тумани, “М” МФЙ, Д кўчасида жойлашган 1-уйи ва томорқа ҳовлиси туман прокурори ва туман ИИБ бошлиғининг “Уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқини чекловчи тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш ҳақида”ги қўшма қарорига асосан Пскент тумани ИИБ ТҚХБ ходимлари томонидан ҳолислар иштирокида кўздан кечирилганида, Н.Б хонадон ҳовлисига экилган маккажўхори ва узумбоғлар орасида 18 (ўн саккиз) туп, гуллар орасида эса 6 (олти) туп, жами 24 (йигирма тўрт) туп ҳар хил катталиқдаги ўткир ҳидли, кўкимтир рангли, “наша” ўсимлигига ўхшаш ўсимликларни ўз истеъмоли учун етиштириб, парваришлаб келаётганлиги аниқланиб, мазкур ўсимликлар ҳолислар иштирокида ашёвий далил тариқасида расмийлаштириб олинган.

Судга оид кимёвий экспертизанинг 08.06.2023 йилдаги 11-сонли ҳулосасига кўра, Н.Т.Бнинг хонадонидан олинган оқ рангли полиэтилен қоп ичидаги – 24 туп хўл ҳолатдаги ўсимлик туплари таркибида фаол



гиёҳванд модда – тетрагидроканнабинол мавжуд бўлган – КАННАБИС ЎСИМЛИГИ туплари эканлиги аниқланган.

“Каннабис ўсимлиги *Раравег somniferum L*” тури Вазирлар Маҳкамасининг 27.10.2018 йилдаги 878-сонли қарорига кўра, тақиқланган гиёҳванд воситалар туркумига киришлиги белгиланган.

Судланувчи Н.Б суд мажлисида, ўз айбига тўлиқ иқроор бўлиб, 2023 йил 7 июнь куни, кечга яқин уйига бир нечта фуқаролар келиб, ўзларини ИИБ ходимлари эканликларини айтишиб, гувоҳномаларини кўрсатишганини, улар орасида ҳолислар ҳам бўлганлигини, шунингдек Пскент туманида кенг қамровли “Қора-дори-2023” тадбири ўтказилаётганлигини айтишганлигини, шунда у ҳовлисидаги маккажўхори, узумбоғ ва катта супургилар ичига наша ўсимлигини экканлигини, экинларни парваришlash билан бирга нашани ҳам етиштираётганлигини айтганини, ходимлар ундан нима сабабдан бу тақиқланган ўсимликларни етиштираётганлигини сўрашганида, у 2019 йилда автоҳалокатга учраганлигини, 2 йил давомида фақатгина тўшакда ётганлигини, баъзида оғриққа чидай олмаслигини, наша оғриқни яхши босиши учун ўзи истеъмол қилиши мақсадида наша ўсимликларини етиштириб келаётганлигини билдирганини, шундан сўнг ИИБ ходимлари икки нафар ҳолис ва агроном иштирокида жами 24 туп наша ўсимликларини ўсиб турган жойидан юлиб олишиб, керакли хужжатларни расмийлаштиришганини, у ўзининг истеъмоли учун экинлар орасига нашанинг уруғларини қадаб чиққанлигини, бундан аёлининг хабари йўқлигини, оғриқ кучлилигидан, мажбурликдан оғриқни босиш учун ўзи амаллаб, ҳассатаёқда экин ичига кириб, нашанинг баргларини юлиб, қуритишини, қуриганидан сўнг майдалаб, сигаретнинг ичини бўшатиб, нашанинг майдаланган баргларини сигарет ичига солиб чекишини, шу куни ИИБ ходимлари томонидан унга нисбатан ҳеч қандай ноқонуний ҳаракатлар содир этилмаганини, ҳозирги вақтда у қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймондалигини, соғлигини, оилавий шароитини инобатга олиб, суддан енгиллик беришни сўради.

Гувоҳ Б.Ба суд мажлисида, у турмуш ўртоғи Н.Б билан 1987 йилда турмуш қурганликларини, юқорида кўрсатилган манзилда 1988 йилдан буён яшаб келишларини, уларнинг бўлиб қизлари турмушга чиқиб кетганлигини, ўғли ҳарбий хизматни ўтаётганлигини, унинг соғлиги ёмонлигини, кўп хаяжонланиш мумкин эмаслигини, шу йил февраль ойида икки бор “инсулт” бўлганлигини, шу сабабли турмуш ўртоғи унга кўп нарсаларни айтмаслигини, 2023 йил 7 июнь куни у уйда бўлмаганлигини, шу куни хонадонига ИИБ ходимлари келиб, наша ўсимлигини топганликларини эшитганлигини, у наша ўсимлигини қандай бўлишини билмаслигини, уйларида наша ўсимлиги борлигидан хабари бўлмаганлигини баён қилди.

Судланувчи Н.Бнинг айби, шунингдек дастлабки терговда сўроқ



қилинган ва суд мажлисида сўроқ баённомаси ўқиб эшиттирилган гувоҳларнинг кўрсатувлари ҳамда жиноят ишининг дастлабки тергов ҳужжатлари, яъни: (и.в.5) уй-жой дахлсизлиги ва тезкор тадбир ўтказиш тўғрисидаги қарор; (и.в.7-13) ҳодиса жойини кўздан кечириш баённомаси, фотоиловаси; (и.в.14-15) ашёвий далилни олиш баённомаси ва фотожадвал; (и.в.25-28) судга оид кимёвий экспертиза хулосаси ва таништириш баённомаси; (и.в.36) ашёвий далил деб эътироф этиш қарори ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар билан тўлиқ тасдиғини топган.

Суд, судланувчи Н.Бнинг жиноий ҳаракатини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, унинг содир қилган жиноий ҳаракати дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисми “тақиқланган экинларни етиштириш, яъни кўкнор ўсимлиги ёхуд таркибида гиёҳвандлик воситалари бўлган экинларни қонунга хилоф равишда экиш ёки етиштириш”да ифодаланган жиноят аломати билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи Н.Бнинг содир этган жиноятини қасддан содир этилган ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят деб ҳисоблаб, унинг айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, 2 гуруҳ ногирони бўлиб нафақадалигини айбини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, жиноят иши юзасидан айбини оғирлаштирувчи ҳолат мавжуд эмаслигини эътироф этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади”. 15-моддасига биноан “Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади”. 20-моддасининг 2-банди талабига кўра эса “инсоннинг Конституция ва қонунларда мустақамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсиздир ҳамда улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмас” деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасига мувофиқ, жиноят содир этган шахс агар иш судда кўрилаётган вақтгача шароит ўзгарди ёки шахс намунали хулқи, меҳнатга ёки ўқишга ҳалол муносабати билан ўзини кўрсатиб, ижтимоий хавфлилигини йўқотди деб эътироф этилса, суд уни жазодан озод қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-



енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

54-моддаси 2-қисмида, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозимлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 2006 йил 3 февралдаги Қарорининг 2-бандида, Жиноят кодексининг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлик принципи ҳар доим ҳам жазо қўлланилиши шартлигини англатмаслиги, шу туфайли судлар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган, етказилган зиённи қоплаган шахсларни ЖКнинг 65, 66, 70, 71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилишлари лозимлиги, 7-бандида, қонун (ЖКнинг 55-моддаси) жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар доирасини чекламаслиги сабабли, жазо тайинлаш пайтида ушбу моддада кўрсатилмаган бошқа ҳолатлар ҳам жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олиниши мумкинлиги (масалан, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятнинг биринчи марта содир этилиши, жиноятни бировга раҳмдиллик кўрсатилиши сабабли содир этилиши ва ҳ.к.); назарда тутилган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7, 8-моддаларида назарда тутилган инсонпарварлик ва одиллик принципларига, Олий суд Пленумининг ушбу қарори тушунтиришларига амал қилиб, Н.Б томонидан содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, ушбу жиноят ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят туркумига киришини, шахсини, муқаддам судланмаганлигини, нафақада эканлигини, оилавий ва моддий шароитини, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлигини, жиноят содир этиш вақтида кўзлаган мотив ва мақсадини, жиноят содир этилганидан кейинги хулқ-атворини, жиноятни содир этиш сабаблари ва бунга олиб келган шарт-шароитларни ҳамда бошқа енгиллаштирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, жиноят ишини судда кўриш вақтига келиб, шароит ўзгарганлигини, унинг шахси ижтимоий хавфлилик даражасини йўқотган деган қатъий хулосага келиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасини қўллаб, жазодан озод қилишни лозим топади.

Шунингдек Суд, судга оид наркологик экспертизасининг 2023 йил 22 июндаги 552-сонли хулосасига кўра, судланувчи Н.Б гиёҳвандлик ситаларини истеъмол қилиш касаллигидан мажбурий тарзда



даволанишга муҳтож эканлигини, лекин унинг 2-гуруҳ ногирони эканлиги мажбурий тартибда даволашга монелик қилишини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 96-моддасини қўлламасликни лозим деб топади.

Суд, иш бўйича ашёвий далил деб эътироф этилган ва вақтинчалик сақлаб туриш учун Ўзбекистон Республикаси ДХХга қарашли МТХТБ ашёвий далилларни сақлаш омборига топширилган 24 туп каннабис гиёҳвандлик ўсимлигини ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг тегишли тартибда йўқ қилишни белгилашни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига риоя қилиб, суд

### **ҲУКМ ҚИЛДИ:**

**Б,** Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 270-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбли деб топилсин ва Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 70-моддасига асосан жазодан озод қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг судланувчи Н.Бга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Иш бўйича ашёвий далил тариқасида олинган ва вақтинчалик сақлаб туриш учун Ўзбекистон Республикаси ДХХга қарашли МТХТБ ашёвий далилларни сақлаш омборига топширилган 24 туп каннабис гиёҳвандлик ўсимлиги ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка ичида Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят беришга ёки протест билдиришга ҳақлидир.

**Раислик қилувчи:**

**М.М.Базаров**

